

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

31-сон
(115)
2004 й.
август

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Учинчи бўлим

353. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 3 августдаги 366-сон қарори
354. «Ўзбекистон-Америка маълумотлар узатиш тармоғи қўшма корхонаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 4 августдаги 369-сон қарори
356. «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 августдаги 372-сон қарори
357. «Ўзбекистон давлат стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги тузилмасини такомиллаштириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 августдаги 373-сон қарори
358. «Ўздонмаҳсулот» давлат-акциядорлик корпорациясини «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компаниясига айлантириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 6 августдаги 376-сон қарори [Кўчирма]

Бешинчи бўлим

359. «Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларнинг даромадидан қатъий белгиланган хажмларда олинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 22 июлдаги 96, 2004-51-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 4 августда 1230-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
360. «Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Марказий банкнинг 2004 йил 22 июлдаги 2004-52, 01-02/19-30, 240-В-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 4 августда 1281-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
361. «Корпоратив қимматли қоғозлар билан репо битишувларини амалга ошириш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2004 йил 15 июлдаги 2004-16-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 6 августда 1396-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
362. «Ўзбекистон Республикаси радиочастоталарини бириктиришни халқаро-ҳуқуқий ҳимоя этиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги бош директорининг 2004 йил 19 июлдаги 208-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 6 августда 1397-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2004 йил 31 июлдан 6 августгача бўлган маълумот

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

353 «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш тўғрисида

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Темир йўл транспортини монополиядан чиқариш ва акциялаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2001 йил 2 мартдаги ПФ–2815-сон Фармонига мувофиқ темир йўл транспорти соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, хусусийлаштириш ва рақобат муҳитини шакллантириш жараёни изчил амалга оширилаётганлигини қайд этади.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси тизимида йўловчиларни ташиш бўйича «Ўзтемирйўлйўловчи», юкларни контейнерларда ташиш бўйича «Ўзтемирйўлконтейнер» ва рефрижератор вагонларида ташиш бўйича «Йўлрефтранс», йўловчи ташиш вагонлари ва юк вагонларини таъмирлаш корхоналари акциялаштирилди. Юк ва йўловчилар ташиш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлмаган хўжалик жамиятларининг устав фондларидаги давлат улушлари тўлиқ сотилди.

Темир йўл транспортини бошқаришда функционал ва ҳудудий ёндашувларнинг ўзаро яқин алоқасини таъминлайдиган минтақавий темир йўл узеллари барпо этилди. Ҳаракатдаги таркиб таъминоти, уни таъмирлаш ва унга техник хизмат кўрсатиш тизими такомиллаштирилди ва унинг базаси мустаҳкамланди.

Айни вақтда юк ва йўловчилар ташийдиган, йўловчиларга хизмат кўрсатувчи ва хизматлар кўрсатадиган корхоналар ва ташкилотларни хусусийлаштириш султ амалга оширилмоқда. Хорижий инвесторлар хусусийлаштириш жараёнига етарлича фаол жалб этилмапти. Транспорт хизматлари бозорида рақобат муҳити ҳанузгача шаклланмаган. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислох қилишнинг ҳозирги босқичи талабларига мувофиқ темир йўл транспортини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш ва мақбуллаштириш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 22 декабрдаги ПФ–3366-сон Фармонини бажариш юзасидан ҳамда хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш жараёнларини чуқурлаштириш ва транспорт хизматлари бозорида рақобат муҳитини шакллантириш, юк ва йўловчилар ташиш бўйича хизматлар даражасини ва сифатини ошириш, темир йўл транспортини бошқариш тузилмасини мақбуллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси темир йўл транспорти соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича қабул қилинган дастурга мувофиқ монополиядан чиқариш, хусусийлаштиришни чуқурлаштириш ва транспорт хизматлари бозорида рақобат муҳитини шакллантириш, ташувлар жараёнини бевосита таъминловчи, юк ва йўловчилар ташишда хизматлар кўрсатувчи, тармоқ корхоналари ва ташкилотларига хизмат кўрсатувчи корхоналар функцияларини аниқ тақсимлаш, бозор принциплари ва механизмларини бошқариш ва хўжа-

лик юритиш тизимига кенг жорий этиш чора-тадбирларининг изчил амалга оширилишини таъминласин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси билан биргаликда:

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси тизимига кирадиган корхоналар ва ташкилотларни акциялаштириш ва хусусийлаштириш, шу жумладан хусусий мулк этиб сотиш борасида Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 3 мартдаги 108-сон қарорида белгиланган ҳамда 2003-2004 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурида тасдиқланган топшириқларнинг сўзсиз бажарилишини таъминласин;

икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига хусусийлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, хусусийлаштириладиган ва хусусий мулк этиб сотиладиган корхоналар, энг аввало, йўловчиларга хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлган темир йўл вокзаллари сонини кўпайтириш ва доирасини кенгайтириш, шунингдек хусусийлаштириш жараёнига хорижий инвесторларни жалб этиш бўйича аниқ таклифлар киритсин.

3. Қўйидагилар:

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясининг ташкилий тузилмаси ва ижро этувчи аппаратининг тузилмаси 1 ва 2-иловаларга мувофиқ;

минтақавий темир йўл узелларининг ташкилий тузилмаси ва уларнинг бошқарув аппарати намунавий тузилмаси 3 ва 4-иловаларга мувофиқ маъқуллансин.

4. Қўйидагилар «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

темир йўл транспортининг барқарор ва самарали ишлашини, ташишлар хавфсизлигини таъминлаш, кўрсатилаётган транспорт хизматлари сифатини ошириш;

моддий-техник базани мустаҳкамлаш, темир йўллар тармоғини янада ривожлантириш ва уларнинг хизмат кўрсатиш имкониятини ошириш, илғор технологияларни ва менежментнинг замонавий методларини кенг жорий этиш;

ҳаракатдаги таркиб, йўл ҳўжалиги, энергия таъминоти, сигнализация ва алоқа тизимини замонавийлаштириш ва такомиллаштиришга, шунингдек тармоқ саноат корхоналарини технология жиҳатидан қайта жиҳозлашга хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш;

маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш, компания корхоналарига ахборот хизматлари кўрсатиш ҳамда ички ва ташқи бозорда уларнинг рақобатбардошлилигини ошириш масалаларини ҳал этишда қўмаклашиш;

кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил қилиш.

5. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси ижро этувчи аппарати ходимларининг чекланган умумий сони 154 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 120 нафар этиб белгилансин.

Қўйидагиларга:

акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши функциясини бажарувчи Компания кенгашига «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясининг ташкилий тузилмасига бошқарув ходимларининг белгиланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш;

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси бошқаруви раисига, зарурат бўлганда, компаниянинг ижро этувчи аппарати тузилмасига, минтақавий темир йўл узелларининг ташкилий ва намунавий тузилмаларига бошқарув

ходимларининг белгиланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

6. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси Кенгаши бир ой муддатда янги таҳрирдаги уставни тасдиқласин ва уни давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этсин.


7. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 5-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ


Тошкент ш.,
2004 йил 3 август,
366-сон

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясининг ташкилий тузилмаси




- акциялар пакетини профессионал бошқарувчи компания ишончли бошқарувига бергунга қадар
- юридик шахс бўлмаган таркибий бўлинмалар
- минтақавий темир йўл узели


**«Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси ижро этувчи
аппаратининг тузилмаси**



Минтақавий темир йўл узелларининг ташкилий тузилмаси



Минтақавий темир йўл узели бошқармасининг намунавий тузилмаси



Бошқарув ходимларининг чекланган сони:
«Тошкент» МТУ бўйича — 55 киши, «Қўқон» МТУ бўйича — 49 киши, «Бухоро» МТУ бўйича — 56 киши, «Қўнғирот» МТУ бўйича — 53 киши, «Қарши-Термиз» МТУ бўйича — 51 киши.

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 3 августдаги 366-сон қарорига
5-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясини бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2001 йил 3 мартдаги 108-сон қарорида:

а) 1-банд ва 1а-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;
б) 4-банднинг бешинчи хатбошидан «Доррефтранс» ва «Ўзтемирийўлконтейнер» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 6-бандда:

иккинчи хатбошидаги «11» рақами «12» рақами билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «5» рақами «4» рақами билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компаниясининг бошқариш тузилмасини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2002 йил 5 ноябрдаги 378-сон қарорининг 3-банди ва қарорга 1—3-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви республика органлари бошқарув ходимлари сонини мақбуллаштириш ва қисқартириш тўғрисида» 2004 йил 5 январдаги 1-сон қарорига 3-илованинг 17-позициясида:

учинчи устундаги «2434» ва «2270» рақамлари тегишли равишда «2581» ва «2417» рақамлари билан алмаштирилсин;

бешинчи устундаги «1920» ва «1800» рақамлари тегишли равишда «2067» ва «1947» рақамлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

354 Ўзбекистон-Америка маълумотлар узатиш тармоғи қўшма корхонаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

Маълумотлар узатиш хизматлари кўрсатадиган корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, ўқув юртлари ва йирик корпоратив мижозларнинг Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида маълумотлар узатишнинг сифатли хизматларига бўлган эҳтиёжларини қондириш, истеъмолчиларнинг ахборот ресурсларидан кенг фойдаланишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг «Telecommunications services» компанияси (АҚШ) билан биргаликда «UzPAK» маълумотларни узатиш давлат тармоғи корхо-

наси негизида масъулияти чекланган жамият шаклидаги «UzPAK Teleservice» қўшма корхонаси ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. «UzPAK Teleservice» қўшма корхонасининг устав фондида томонларнинг улуши қуйидагича тақсимланишига розилик берилсин:

бошқариш учун Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига берилаётган давлат улуши — 26 фоиз;

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси улуши — 15 фоиз;

«Xalqaro aloqa» ташкилотининг улуши — 10 фоиз;

«Telecommunications services» компанияси (АҚШ) улуши — 49 фоиз.

Қуйидагилар:

«UzPAK» маълумотларни узатиш давлат тармоғи корхонасининг мол-мулки қўшма корхона устав фондига давлат томонидан қўшилган улуш ҳисобланади;

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси филиалларининг халқаро ички зона каналлари ва трактлари, бинолари, иншоотлари берилиши «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг улуши ҳисобланади;

пул маблағлари «Telecommunications services» компанияси (АҚШ) ва «Xalqaro aloqa» ташкилотининг улуши ҳисобланади.

3. Белгилансинки, «UzPAK Teleservice» қўшма корхонаси «UzPAK» маълумотларни узатиш давлат тармоғи корхонасининг ҳуқуқий вориси, шу жумладан Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Маълумотлар узатиш миллий тармоғини замонавийлаштириш ва ривожлантириш лойиҳасини амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида» 2001 йил 5 декабрдаги 466-сон қарори билан белгиланган микдорлар ва муддатларда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан кафолатланган кредитларни қайтаришга доир «UzPAK» маълумотларни узатиш давлат тармоғи корхонасининг мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

4. Қуйидагилар «UzPAK Teleservice» қўшма корхонаси фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланиши маълумот учун қабул қилинсин:

давлат ва жамоат органлари, фуқаролар, мулкчилик шаклларида қатъи назар корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ахборот эҳтиёжларини ҳар томонлама қондириш мақсадида Маълумотларни узатиш миллий тармоғининг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлаш;

«UzPAK Teleservice» қўшма корхонасининг маълумотларни узатиш тармоғида ахборот ресурслари химоя қилинишини таъминлаш, конституциявий тузумни зўравонлик билан ўзгартиришга, урушни, зўравонлик ва порнографияни тарғиб қилишга, диний ва миллий адоватни авж олдиришга, инсоннинг ор-номуси ва кадр-қимматини камситишга қаратилган чақириқлар мавжуд бўлган ахборот ва амалдаги қонун ҳужжатларида тарқатиш тақиқланган бошқа ахборот тарқатилишига йўл қўймаслик;

техник воситаларни жорий этиш, Интернет-технологияларни ривожлантириш, республиканинг ягона ахборот макони коммуникация асосларини такомиллаштириш ва унинг жаҳон ахборот ҳамжамиятига кириши имкониятларини кенгайтириш.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан биргаликда бир ой муддатда қўшма корхонанинг устав фондидаги Ўзбекистон томонининг улушини белгиланган тартибда шакллантирсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «2003-2004 йилларда корхоналарни давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида» 2003 йил 17 апрелдаги 185-сон қарорига 2-иловадан 289-позиция чиқариб ташлансин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 4 август,
369-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

356 Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида

Узлуксиз таълим тизимининг муҳим бўғини — мактабгача ва ўрта умумий таълимни тўла кўламли ривожлантириш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, 2004—2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантиришнинг Давлат умуммиллий дастури ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминлаш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 9 декабрдаги ПФ–3358-сон Фармонини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва 2004—2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантиришнинг Давлат умуммиллий дастурининг асосий принциплари ва устувор йўналишларини амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятининг муҳим мақсадли вазифаси деб ҳисоблансин.

Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, педагог кадрларнинг, айниқса бошланғич синфлар ўқитувчиларининг малакасини ва касб даражасини ошириш;

умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандартларини, ҳар томонлама ривожланган ва мустақил фикрлашга қодир бўлган шахсни шакллантириш учун шарт-шароитларни таъминлайдиган мактабгача ва мактабдан ташқари таълимга қўйиладиган талабларни такомиллаштириш;

ўқув-тарбия жараёнига ўқитишнинг замонавий илғор шаклларини, янги педагогик ва ахборот технологияларини, маънавий-маърифий тарбиялашнинг самарали шакллари ва усулларини жорий этиш, тинчлик ва барқарорликни таъминлашга, мамлакатнинг тараққиёти ва халқ фаровонлигини оширишга қаратилган миллий мустақиллик ғояларини амалга ошириш;

идоравий бўйсунушидан ва муқлчилик шаклларида қатъи назар мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга методик раҳбарлик қилиш;

мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим учун ўқув ва ўқув-

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.

методик адабиётларнинг янги авлодлари яратилиши ва нашр этилишини ташкил этиш;

идоровий мансуб таълим муассасаларида моддий-техник шарт-шароитларнинг янада мустаҳкамланишини таъминлайдиган норматив база яратиш, жамият ва давлат манфаатларини қониқтирадиган таълим сифати ва мазмунини ошириш;

тизимли асосда педагог кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашни ташкил этиш, жамиятда таълим ходимларининг ижтимоий мақомини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш.

2. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ташкилий тузилмаси ва унинг ходимларнинг чекланган умумий сони 81 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари 61 нафар бўлган марказий аппарати тузилмаси 1 ва 2-иловаларга мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг тузилмаси, вилоятлар халқ таълими бошқармалари ва туманлар (шаҳарлар) халқ таълими бўлимларининг намунавий тузилмаси 3—6-иловаларга мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тўғрисидаги низом 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлига, зарурат бўлганда, вазирлик марказий аппарати тузилмасига ходимларнинг белгиланган чекланган умумий сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Давлат тест маркази билан биргаликда:

бир ой муддатда Халқ таълими тизими органлари ва ўқув юртларининг раҳбар ва педагог кадрлари аттестацияси тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказсин.

2005 йил 1 январгача бўлган муддатда халқ таълимини бошқариш ҳудудий органларининг раҳбар кадрларини, педагогика институтларининг раҳбарлари ва профессор-ўқитувчилар таркибини, шунингдек умумтаълим мактаблари раҳбарларини аттестациядан ўтказсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 8-иловага мувофиқ қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин, шунингдек уларнинг айримларига ўзгартиришлар киритилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Азизхўжаев зиммасига юклансин.


Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 5 август,
372-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 5 августдаги 372-сон қарорига
1-ИЛОВА

356-МОДА

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг ташкилий тузилмаси




Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўғрисида, 2004 й.

— 14 —


31 (115)-сон

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги марказий аппаратининг тузилмаси



Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 5 августдаги 372-сон қарорига
3-ИЛОВА


Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг тузилмаси



Ходимларнинг чекланган умумий сони — 10 киши, шу жумладан бошқарув ходимлари — 8 киши.

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 5 августдаги 372-сон қарорига
4-ИЛОВА


Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг тузилмаси



Ходимларнинг чекланган умумий сони — 21 киши, шу жумладан бошқарув ходимлари — 15 киши.

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 5 августдаги 372-сон қарорига
5-ИЛОВА


Вилоят халқ таълими бошқармасининг намунавий тузилмаси



Вилоятлар халқ таълими бошқармалари ходимларининг чекланган умумий сони — 115 киши, шу жумладан бошқарув ходимлари — 91 киши.

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 5 августдаги 372-сон қарорига
6-ИЛОВА

Туман (шаҳар) халқ таълими бўлимининг намунавий тузилмаси



Туманлар (шаҳарлар) халқ таълими бўлимлари ходимларининг чекланган умумий сони — 882 киши, шу жумладан бош қарув ходимлари — 681 киши.

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 5 августдаги 372-сон қарорига
7-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги (кейинги ўринларда Вазирлик деб аталади) давлат бошқарув органи ҳисобланади.

Вазирлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб беради.

2. Вазирлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорларига ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

3. Вазирлик тизимига Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, вилоятлар халқ таълими бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) халқ таълими бўлимлари ҳамда идоравий мансуб бошқа муассасалар, корхоналар ва ташкилотлар киради.

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси, вилоятлар халқ таълими бошқармалари, туманлар (шаҳарлар) халқ таълими бўлимлари икки томонлама бўйсунишда бўладилар ва Вазирликка ҳамда тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ҳисоб берадилар.

4. Вазирлик ўз фаолиятини давлат бошқаруви бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. Вазирлик ва унинг ҳудудий бўлинмалари моддий-техника таъминоти, шунингдек Вазирлик тизими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш Вазирликка ажратиладиган маблағлар доирасида давлат бюджети маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

6. Вазирлик, унинг ҳудудий бўлинмалари, идоравий мансуб бошқа корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар юридик шахс ҳисобланадилар, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўладилар.

II. Вазирликнинг вазифалари ва функциялари

7. Қуйидагилар Вазирликнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари ҳисобланади:

мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, педагог кадрларнинг, айниқса бошланғич синфлар ўқитувчиларининг малакасини ва касб даражасини ошириш;

умумий ўрта таълимнинг Давлат таълим стандартларини, ҳар томонлама ривожланган ва мустақил фикрлашга қодир бўлган шахсни шакллантириш учун шарт-

шароитларни таъминлайдиган мактабгача ва мактабдан ташқари таълимга қўйиладиган талабларни такомиллаштириш;

ўқув-тарбия жараёнига ўқитишнинг замонавий илғор шакллари, янги педагогик ва ахборот технологияларини, маънавий-маърифий тарбиялашнинг самарали шакллари ва усулларини жорий этиш, тинчлик ва барқарорликни таъминлашга, мамлакатнинг тараққиёти ва халқ фаровонлигини оширишга қаратилган миллий мустақиллик ғояларини амалга ошириш;

идоровий бўйсунушидан ва мулкчилик шаклларида қатъи назар мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга методик раҳбарлик қилиш;

мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим учун ўқув ва ўқув-методик адабиётларнинг янги авлодлари яратилиши ва нашр этилишини ташкил этиш;

идоровий мансуб таълим муассасаларида моддий-техник шарт-шароитларнинг янада мустаҳкамланишини таъминлайдиган норматив база яратиш, жамият ва давлат манфаатларини қониқтирадиган таълим сифати ва мазмунини ошириш;

тизимли асосда педагог кадрлар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашни ташкил этиш, жамиятда таълим ходимларининг ижтимоий мақомини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

болалар ва ўсмирларни ижтимоий-ҳуқуқий муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

таълим муассасаларида болалар спорти ривожлантирилишини таъминлаш ва уларнинг спорт базасини мустаҳкамлаш.

8. Вазирлик ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан биргаликда «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мақсади, вазифалари ва қоидаларини ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишга йўналтирилган таълим тизимини ва унинг аниқ бўғинларини ривожлантиришнинг илмий асосланган прогнозларини ишлаб чиқади;

мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим, педагог кадрларнинг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш учун давлат талабларини белгилайди;

таълим муассасаларидаги ўқув-тарбия жараёнига илмий-методик раҳбарликни амалга оширади;

таълим муассасаларида умумий ўрта таълим, профессионал педагогик таълим давлат стандартининг жорий этилишини таъминлайди;

умумтаълим, фундаментал, ижтимоий-гуманитар ҳамда умумий касб-ҳунар предметлари ва фанларини ўқитишнинг ўқув режалари ва дастурларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, Вазирлик тизимидаги таълим муассасалари учун ўқув-методик ҳужжатларни тасдиқлаш ва чиқариш тартибини белгилайди;

ўқитишнинг илғор педагогик технологияларини, замонавий ўқув-методик комплексларини яратади ва ўқув-тарбия жараёнини дидактик таъминлайди;

ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис марказларига методик раҳбарликни амалга оширади, улар тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

мактабгача таълимнинг, шу жумладан болаларни оила шароитларида тарбиялаш шароитларида ҳам, самарали психологик-педагогик методларини қидириб топиш ва жорий этишни амалга оширади;

ўқувчилар билан мактабдан ташқари ишларнинг, шу жумладан болалар туризми ва халқ хунармандчилигининг мавжуд турлари ва шаклларини такомиллаштиради, уларнинг миллий турлари ва шаклларини қайта тиклайди ва янгиларини жорий этади;

болалар спортини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратади, оммавий спорт ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш тадбирларини ташкил қилади;

таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг, ўқув-педагогик марказлар ва кабинетларнинг педагоглар жамоаларини ўқув-методик материаллар ва дарсликларни тезкорлик билан ишлаб чиқишга, янги педагогик технологияларни, барча турдаги таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнини ташкил этишга истиқболли ёндашувларни ишлаб чиқишга, илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш муаммоларини ҳал этишга кенг жалб этишни таъминлайди;

ўсиб келаётган авлодни маънавий-маърифий тарбиялашнинг миллий мустақиллик ғояларига, бой миллий маданий-тарихий анъаналарга, халқ урф-одатларига ва умуминсоний қадриятларга асосланган самарали ташкилий ҳамда педагогик шакл ва воситаларини ишлаб чиқади ва жорий қилади, шахсни тарбиялаш ва ҳар томонлама камол топтириш устуворлигини таъминлайди;

умумтаълим ўқув юртларини ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш бўйича ягона талабларни ишлаб чиқади, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда умумтаълим мактабларини замонавий мактаб парталари, ахборот технологиялари ва ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозлашга танлов савдолари ўтказиши;

манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар билан биргаликда илғор педагогик тажрибани оммалаштириш ва жорий этишни таъминлайди;

Вазирлик тизими таълим муассасаларининг ота-оналар, оилалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари, жамғармалар билан ижодий фаол, Ўзбекистон мустақиллиги ғояларига садоқатли ва жамият тараққиётига аниқ улуш қўшишга лаёқатли шахсни камол топтириш бўйича ўзаро яқин ҳамкорлигини амалга оширади;

иқтидорли болаларни аниқлаш ва ўқитишнинг методологиясини, психологик-педагогик ва ташкилий шарт-шароитларини яратади ҳамда маълумотлар банкни шакллантиради, иқтидорли болалар ва ёшлар мониторингини олиб боради;

Вазирлик тизимида хорижий тилларни фаол ўрганиш ҳамда уларни ўрганишнинг жадаллаштирилган методларини жорий этиш, давлат тилида луғатлар ва маълумотнома адабиётларни нашр этиш учун зарур шарт-шароитлар яратади;

ўқитувчиларнинг (ўқув фанлари ва соатлари бўйича) ўрин алмашиш тартибини белгилайди, умумий ўрта таълим муассасалари ходимларининг синфдан ташқари фаолиятини тартибга солади;

умумтаълим муассасалари ўқувчиларининг билимларини баҳолашнинг рейтингли тизимини, педагог кадрлар тайёрлаш сифати ҳамда Вазирлик тизимида уларга бўлган эҳтиёжлар мониторинги тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этишда қатнашади;

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни амалга оширилиши мониторингини олиб боради;

тўлиқ давлат таъминоти асосида етим болаларни ҳамда ота-оналар қаровисиз қолган болаларни давлат ва нодавлат таълим муассасалари таъминотига олиш, ўқитиш, тарбиялаш ва касб-хунарга тайёрлаш учун шарт-шароитлар яратади;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда жисмоний ва ақлий ривожланишида нуқсонли бўлган болаларни ўқитиш, тарбиялаш ва таъминлашни ташкил қилади, касб-хунарга тайёрлашни такомиллаштиради, уларнинг ижтимоий-

маиший шароитларини ва моддий таъминотини, уларга тиббий хизмат кўрсатишни ва соғломлаштиришни такомиллаштиради, ихтисослаштирилган мактабгача тарбия муассасалари ва мактаблар шохобчаларини ривожлантиради;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан биргаликда аҳолининг мактабгача таълимга бўлган эҳтиёжларини қондириш, мактабгача ёшдаги болаларни тўлақонли жисмоний ва ақлий ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирларини амалга оширади, болалар ва ўсмирлар учун мактабдан ташқари ва ўқув-тарбия муассасалари шохобчаларини ривожлантиради, ўсиб келаётган авлоднинг ижодий фаолиятини ва соғлом ҳордиғини, уларнинг қизиқишлари ва истакларини қондиришни, қобилияти ва истеъдодини ҳар томонлама ривожлантиришни таъминловчи муассасалар комплексларини ташкил қилади;

таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш қоидаларини ишлаб чиқишда қатнашади;

Вазирлик тизимидаги олий педагогика таълим муассасалари, ўқув-тарбия ва илмий-тадқиқот муассасалари билан биргаликда таълим соҳасидаги илмий тадқиқотларнинг давлат дастурларига буюртманомаларни кўриб чиқади ва шакллантиради, фан-техника тараққиёти манфаатларини кўзлаб уларни амалга оширишга бўлган асосий талабларни белгилайди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар марказига тақдим этади;

олий педагогика ўқув юртлари, Қори-Ниёзий номидаги Республика илмий тадқиқот институти, Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказий институти ҳузурида аспирантура ва докторантура орқали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашни белгиланган тартибда амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясига фанлар доктори ва номзоди илмий даражаларини олиш учун диссертациялар ҳимоя қилиш бўйича ихтисослаштирилган кенгашлар раислари номзодларини ҳамда шахсий таркибини келишиш, тегишли кенгашларга диссертацияларни ҳимоя қилиш учун қабул қилиб олиш, илмий даражалар ва илмий унвонлар бериш ҳуқуқи бериладиган мутахассисликлар рўйхатини келишиш ва тасдиқлаш учун тақдим этади;

аспирантура ва докторантура орқали илмий-педагог кадрлар тайёрлаш режаларини ишлаб чиқади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар марказига тақдим этади;

педагогика институтлари ректорлари лавозимига тайинлаш учун номзодларни Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда тақдим этади;

идоравий мансуб олий педагогика ўқув юртлари, Вазирлик тизимидаги республика корхоналари, ташкилотлари ва муассасаларининг уставларини белгиланган тартибда тасдиқлайди;

ўқувчиларни якуний давлат аттестациясидан ўтказиш тўғрисидаги ва таълим муассасаларида экстернат тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

халқ таълими тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича қонун ҳужжатлари ва Ҳукумат қарорлари лойиҳаларига доир таклифларни белгиланган тартибда киритади;

таълим масалалари бўйича жамоатчилик фикрини ўрганишни ташкил қилади, республикада умумий ўрта таълимнинг аҳволини қиёсий таҳлил қилади, уни ривожлантириш тенденцияларини белгилайди;

илмий-методик журналлар, газеталар, Вазирлик буйруқлари ва йўриқномалари тўпламларини нашр этиш йўли билан таълим соҳасидаги илмий-техник ва педагогик ахборотларни оммалаштиради;

таълим муассасаларининг моддий базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш

ҳамда уларни техника билан қайта жихозлаш, Вазирлик тизимидаги муассасалар ва ташкилотларда моддий-техника ресурсларидан самарали фойдаланиш соҳасида норматив талабларни ишлаб чиқади ва ягона ёндашувни таъминлайди;

республика бюджетидан молиялаштириладиган ўқув-тарбия муассасалари қурилиши бўйича бош буюртмачи функциясини бажаради;

таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида маркетингни ривожлантириш, пулли маслаҳат бериш ва қўшимча (асосий таълим дастурларида назарда тутилмаган) таълим хизматлари кўрсатиш тизимини ривожлантириш йўли билан таълим хизматларининг рақобат бозорини шакллантиради;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда болалар, ўқувчилар ва педагоглар саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустақкамлашни таъминлаш ишларини амалга оширади;

республиканинг манфаатдор вазирликлари, давлат қўмиталари, идоралари, уюшмалари билан биргаликда мактаб спорт мусобақаларини, туристлар слётларини, техника ижодкорлиги кўрикларини, мактаб олимпиадаларини, педагог ходимлар ўртасида спорт мусобақаларини ҳамда иқтидорли ёшларни аниқлаш, тарбиялаш ва шахсни камол топтиришга йўналтирилган ўқув-тарбиявий тусдаги бошқа тадбирларни ташкил қилади ва ўтказиши;

белгиланган тартибда мактабгача, мактабда, мактабдан ташқари, олий педагогик таълим ва малака оширишнинг муҳим масалалари бўйича кенгашлар, семинарлар ва конференциялар чақиради;

Вазирлик тизимидаги педагог ходимларни, ўқувчилар ва талабаларни, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ходимларини меҳнатда ва ўқишдаги юқори кўрсаткичлари, ўқувчи ёшларни ўқитиш ва тарбиялашдаги фаол иштироки ҳамда ҳомийлик қўмағи учун Ҳукумат мукофотларига белгиланган тартибда тақдим этади ва идоравий мукофотлар билан тақдирлайди;

таълим муассасалари тармоғини ривожлантириш ва контингенти кўрсаткичларини ишлаб чиқади, республика бюджетидан молиялаштириладиган муассасалар таъминотига ҳамда Вазирлик тизимидаги марказлаштирилган тадбирлар учун навбатдаги режалаштирилган йилга бюджет буюртманомаларини шакллантиради, давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобини ташкил қилади;

таълим даражаларининг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш, ўқитиш ва тарбиялаш бўйича ўқув режалари ва дастурларни уйғунлаштириш учун Вазирликнинг Умумий ўрта, касб-хунар таълими маркази билан фаолиятини мувофиқлаштириши;

васийлик кенгашлари фаолияти ташкил этилишига ва умумтаълим мактаблари билан жамоатчилик ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни таъминлашга қўмаклашади;

умумтаълим мактабларида ахборот-таҳлилий ва прогноз ишлари олиб борилишини таъминлайди;

илғор тажрибани ўрганиш ва илғор технологияларни жорий этиш мақсадида умумтаълим муассасалари томонидан, шу жумладан хорижий мамлакатларнинг мактаб таълими бўйича маълумотлар базаси яратилиши ишларини ташкил этади ва уларни қўллаб-қуватлайди;

Вазирлик ва умумтаълим муассасалари фаолиятини кенг ёритиш юзасидан оммавий ахборот воситалари билан иш олиб борилишини ташкил этади.

9. Вазирлик ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита, шунингдек ҳудудий бўлинмалар, тасарруфидаги бошқа муассасалар орқали хал қилади.

III. Вазирликнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

10. Вазирлик ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

тегишли вазирликлар ва идоралардан, Вазирликнинг ҳудудий бўлинмаларидан статистик, прогноз ва ҳисобот маълумотларини олиш;

таълим бўйича алоҳида масалаларни ҳал этиш, таълим муассасалари ишларини такомиллаштириш, уларнинг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш, малакали педагог кадрларни тайёрлаш, давлат таълим муассасалари ходимларининг, ўқувчилар ва талабаларнинг белгиланган ижтимоий муҳофазасини таъминлаш юзасидан таклифларни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

мактабгача, мактабда, мактабдан ташқари, олий педагогик таълим муассасалари томонидан, уларнинг мулкчилик шакллари ва бўйсунушидан қатъи назар, «Таълим тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда таълим масалалари бўйича бошқа қонун ҳужжатлари бажарилишини белгиланган тартибда текшириш;

таълим масалалари бўйича қонун ҳужжатлари қўлланилиши амалиётини умумлаштириш, уни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва уларни белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш;

таълим тизимини ва унинг муайян бўғинларини ривожлантиришнинг долзарб ва истикболли муаммоларини ишлаб чиқиш учун вақтинчалик илмий жамоалар ташкил этиш;

ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари ҳамда методик материаллар тўғрисида хулосалар тайёрлаш, педагогика фани ютуқларидан ва илғор тажрибадан фойдаланиш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқиш учун илмий-методик кенгаш ташкил қилиш, методик кенгаш таркибини ва кенгаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

давлат бюджети маблағларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда жамлаш ҳамда ушбу маблағларни дарсликлар сотиб олишга ва йил мобайнида пайдо бўлиши мумкин бўлган бошқа марказлаштирилган тадбирларга йўналтириш.

Вазирлик Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11. Вазирлик ўз ваколатлари доирасида вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар бажариши мажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлашга ҳақлидир.

Вазирлик, зарур ҳолларда, бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан биргаликда қўшма қарорлар ва бошқа ҳужжатлар чиқаришга ҳақлидир.

12. Вазирлик мактабгача, умумий ўрта, мактабдан ташқари, олий педагогик таълим соҳасида давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш ҳамда педагог кадрлар малакасини ошириш, шунингдек ўзига юкланган вазифаларнинг зарур даражада бажарилиши учун жавоб беради.

IV. Вазирлик фаолиятини ташкил этиш

13. Вазирликни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган вазир бошқаради.

Вазирнинг уч нафар ўринбосари, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосари бўлади.

14. Вазир:

вазирлик фаолиятига якка бошчилик асосида умумий раҳбарликни амалга оширади ҳамда Вазирликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

ўз ўринбосарларининг ваколатларини белгилайди, улар ўртасида вазифаларни тақсимлайди, Вазирлик тизимидаги бошқа мансабдор шахсларнинг ваколатларини, ўз ўринбосарларининг ва бошқа мансабдор шахсларнинг Вазирлик фаолияти алоҳида участкаларига раҳбарлиги ва идоравий мансуб органлар ва муассасалар ишлари учун жавобгарлик даражасини белгилайди;

Вазирлик марказий аппарати тузилмасига ўзгартиришлар киритади, ходимларнинг белгиланган чекланган умумий сони доирасида унинг штат жадвалини, шунингдек Вазирлик марказий аппаратининг, идоравий мансуб органлар ва муассасаларнинг харажатлар сметасини тасдиқлайди;

Вазирликнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни, Вазирлик тизимидаги кирувчи идоравий мансуб бошқа муассасаларнинг низомлари (уставлари)ни белгиланган тартибда тасдиқлайди;

Вазирлик марказий аппарати ходимларини, ҳудудий бўлинмалар раҳбарларини, Вазирлик тизимидаги кирувчи идоравий мансуб бошқа муассасалар раҳбарларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади.

Вазир қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

15. Вазирликда таркибда Вазир (хайъат раиси), Вазир ўринбосарлари (лавозимига кўра) ва Вазирликнинг бошқа раҳбар ходимлари бўладиган тўққиз кишидан иборат хайъат ташкил этилади.

Хайъатнинг шахсий таркиби Вазирнинг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Вазирлик хайъати Вазирлик фаолиятининг асосий масалаларини кўриб чиқади, Вазирликнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари, идоравий мансуб бошқа органлар ва муассасалар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади, Вазирликнинг муҳим буйруқлари ва бошқа ҳужжатлари лойиҳаларини муҳокама қилади.

Хайъат қарорлари Вазирнинг буйруқлари билан амалга оширилади. Вазир билан хайъат ўртасида келишмовчиликлар пайдо бўлган тақдирда, Вазир ўз қарорини амалга оширади. Вазир пайдо бўлган келишмовчиликлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини хабардор қилади.

16. Ҳудудий бўлинмалар ўз фаолиятини тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан келишган ҳолда Вазирлик томонидан тасдиқланадиган низомларга мувофиқ амалга оширадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири томонидан тайинланадилар.

Туманлар (шаҳарлар) халқ таълими бўлимлари мудирлари тегишли туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари билан келишган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири томонидан тайинланадилар.

17. Вазирликни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 5 августдаги 372-сон қарорига
8-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўзгартиришлар киритилаётган ва ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика давлат ва хўжалик бошқаруви органлари бошқарув ходимлари сонини мақбуллаштириш ва қисқартириш тўғрисида» 2004 йил 5 январдаги 1-сон қарорига 2-илованинг VI. «Ижтимоий комплекс» бўлимида 6-устуннинг 15-бандида «6003» рақами «6010» рақами билан, «54» рақами «61» рақами билан алмаштирилсин.

2. Қуйидагилар:

Министрлар Советининг «Республикада халқ таълимини бошқаришни такомиллаштириш ҳақида» 1990 йил 27 январдаги 54-сон қарори;

Министрлар Советининг «Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг ва Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлигининг бошқарув схемалари тўғрисида» 1990 йил 20 мартдаги 152-сон қарори;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 1993 йил 19 майдаги 237-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1993 й., 5-сон, 19-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

357 Ўзбекистон давлат стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги тузилмасини такомиллаштириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 9 декабрдаги ПФ-3358-сон Фармони бажариш юзасидан ҳамда стандартлаштириш, метрология ва маҳсулотлар ҳамда хизматларни сертификатлаштириш тизимини янада такомиллаштириш, унинг замонавий халқаро нормалар ва талабларга мувофиқлигини таъминлаш, шунингдек халқаро стандартлардан фойдаланиш асосида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатбардошлилигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар «Ўзстандарт» агентлигининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

«Стандартлаштириш тўғрисида», «Метрология тўғрисида», «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари амалда рўёбга чиқарилишини таъминлаш;

стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш, халқаро стандартларни, шу жумладан сифатни бошқариш тизими бўйича халқаро стандартларни қўллаш

асосида махсулотлар сифатини ва уларнинг рақобатбардошлилигини ошириш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

стандартлаштириш тизимлари фаолият кўрсатишини ва ривожлантирилишини, ўлчовлар, сертификатлаштиришнинг, ушбу соҳалардаги илмий-техника ахборотини аккредитация қилиш ва тарқатишнинг ягоналигини, шунингдек уларнинг халқаро, давлатлараро ва хорижий мамлакатларнинг миллий тизимлари билан уйғунлаштирилишини таъминлаш;

махсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлиги ва сифати, ўлчовлар ишончсиз натижаларининг салбий оқибатларидан муҳофаза қилиш талабларига риоя этилиши юзасидан истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш;

стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини ташкил этиш.

2. Қуйидагилар:

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

«Ўзстандарт» агентлиги марказий аппаратининг ходимларнинг чекланган умумий сони 56 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 43 нафар бўлган тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

худудий стандартлаштириш ва метрология бошқармаларининг намунавий тузилмаси 4 ва 4а-иловаларга мувофиқ;

Миллий эталонлар марказининг тузилмаси 5-иловага мувофиқ;

Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институтининг тузилмаси 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, «Ўзстандарт» агентлигининг бош директори ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинландилар ва лавозимдан озод қилинадилар.

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг бош директорига, зарурат бўлганда, ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида Агентлик марказий аппарати тузилмасига ўзгартиришлар киритишга рухсат этилсин.

4. Белгилаб қўйилсинки, 7-иловага мувофиқ корхоналарнинг устав фондларидаги акциялар давлат пакети (улушлар) улар белгиланган тартибда профессионал бошқарувчи компанияларга берилгунга қадар Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигига ишончли бошқарувга берилади.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Стандартлаштириш, метрология ва махсулотлар ҳамда хизматларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 3 октябрдаги 342-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 10-сон, 56-модда) 8-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 5 август,
373-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 5 августдаги 373-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва
сертификатлаштириш агентлиги («Ўзстандарт» агентлиги)нинг
ташкилий тузилмаси**



* Молиялаштириш хўжалик фаолиятдан олинадиган ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

**Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги
(«Ўзстандарт» агентлиги) марказий аппаратининг тузилмаси**



Ходимларнинг чекланган жами сони — 56 киши, шу жумладан: бошқарув ходимлари — 43 киши; хизмат кўрсатувчи ходимлар — 8 киши; техник ходимлар — 5 киши.

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 5 августдаги 373-сон қарорига
3-ИЛОВА

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги (кейинги ўринларда «Ўзстандарт» агентлиги деб аталади) стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасидаги вазифаларни ҳал қилиш учун махсус ваколат берилган Ўзбекистон Республикасининг давлат бошқарув органи ҳисобланади.

«Ўзстандарт» агентлиги Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича миллий органи ҳисобланади ҳамда ўз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб беради.

2. «Ўзстандарт» агентлиги тизимига қуйидагилар киради:

худудий стандартлаштириш ва метрология бошқармалари;

Республика синов ва сертификатлаштириш маркази ҳамда унинг худудий синов ва сертификатлаштириш марказлари;

Метрология хизматлари кўрсатиш маркази;

Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти;

Миллий эталонлар маркази;

Штрихли кодлаштириш маркази;

Ахборот-маълумотлар маркази.

Худудий бошқармалар икки томонлама бўйсунадилар ҳамда Агентликка ва тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органига ҳисоб берадилар.

3. «Ўзстандарт» агентлиги ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорларига ва бошқа қонун ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

4. «Ўзстандарт» агентлиги ўз фаолиятини давлат бошқаруви бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

5. «Ўзстандарт» агентлиги, унинг худудий стандартлаштириш ва метрология бошқармалари, Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш илмий-тадқиқот институти, Миллий эталонлар маркази фаолиятини молиялаштириш «Ўзстандарт» агентлигига ажратиладиган маблағлар доирасида давлат бюджети маблағлари ҳамда амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар ва маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

6. «Ўзстандарт» агентлиги, унинг худудий бошқармалари, мазкур Низомнинг 2-бандида кўрсатилган унга қарашли бошқа ташкилотлар юридик шахс ҳисобланадилар, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга, банк муассасаларида ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисоб рақамларига эга бўладилар.

II. «Ўзстандарт» агентлигининг асосий вазифалари ва функциялари

7. Қуйидагилар «Ўзстандарт» агентлигининг асосий вазифалари ҳисобланади: «Стандартлаштириш тўғрисида», «Метрология тўғрисида», «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари амалда рўёбга чиқарилишини таъминлаш;

стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш, халқаро стандартларни, шу жумладан сифатни бошқариш тизими бўйича халқаро стандартларни қўллаш асосида маҳсулотлар сифатини ва уларнинг рақобатбардошлилигини ошириш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш;

стандартлаштириш, ўлчовлар ягоналиги, сертификатлаштириш тизимлари фаолият кўрсатишини ва ривожлантирилишини, ушбу соҳалардаги илмий-техника ахборотини аккредитация қилиш ва тарқатишни, шунингдек уларнинг халқаро, давлатлараро тизимлар ва хорижий мамлакатларнинг миллий тизимлари билан уйғунлаштирилишини таъминлаш;

маҳсулотлар, ишлар ва хизматлар хавфсизлиги ва сифати, ўлчовлар ишончсиз натижаларининг салбий оқибатларидан муҳофаза қилиш талабларига риоя этилиши юзасидан истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш;

стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини ташкил этиш.

8. «Ўзстандарт» агентлиги ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) «Стандартлаштириш тўғрисида», «Метрология тўғрисида», «Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ҳамда стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш соҳасидаги бошқа қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалда рўёбга чиқарилишини таъминлаш борасида:

давлат, тармоқ, маъмурий-ҳудудий стандартларни ва уларга ўзгартиришларни, корхоналарнинг маҳсулотларга техник шартларини, стандартларини ва уларга ўзгартиришларни, стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш бўйича амал қилинадиган ҳужжатларни, шунингдек норма ва қоидаларни давлат рўйхатидан ўтказати;

бир турдаги маҳсулотлар учун норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича тармоқ тузилмаларини ташкил этишга кўмаклашади, уларга илмий-методик раҳбарликни таъминлайди;

сертификатлаштириш ва юклаш-туширишдан олдин инспекция ўтказиш соҳасидаги юридик шахсларни белгиланган тартибда аккредитация қилади, юридик ва жисмоний шахсларнинг синов, ўлчов, тахлилий, калибрлаш ва текшириш лабораторияларини аттестациядан ўтказати ва аккредитация қилади;

халқаро ва давлатлараро илмий-техник ҳамкорликни ривожлантиради;

б) стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш, халқаро стандартларни, шу жумладан сифатни бошқариш тизими бўйича халқаро стандартларни қўллаш асосида маҳсулотлар сифатини ва рақобатбардошлилигини ошириш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш борасида:

стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш, аккредитация қилиш ва маҳсулотлар сифатини бошқариш тизимини жорий жорий этиш масалалари бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органларига ўз ваколатлари доирасида раҳбарлик қилади ва улар фаолиятини мувофиқлаштиради;

янги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;

илмий-тадқиқот ишларини амалга оширади;

стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштиришни ривожлантириш бўйича асосий йўналишларни, концепцияларни, истиқболли дастурларни ишлаб чиқади;

Ўзбекистон Республикасининг миллий эталон базасини шакллантиради ва ривожлантиради, миллий эталонларни халқаро эталонлар билан солиштиради;

в) стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш тизимлари фаолият кўрсатишини ва ривожлантирилишини, ушбу соҳалардаги илмий-техника ахбороти-ни аккредитация қилиш ва тарқатишни, шунингдек уларнинг халқаро, давлатлар-аро ва хорижий мамлакатларнинг миллий тизимлари билан уйғунлаштирилишини таъминлаш борасида:

республикада ишлаб чиқариладиган ва импорт бўйича олиб келинаётган маҳ-сулотларни сертификатлаштириш, чет мамлакатларнинг сертификатлаштириш бўйича ишлари натижаларини эътироф этиш ишларини ташкил этади;

ўз ваколатлари доирасида стандартлаштириш, метрология, сертификатлашти-риш ва аккредитация қилиш соҳасида норматив ҳужжатларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва рўйхатдан ўтказиши;

штрихли кодлаштиришни жорий этиш сиёсатини амалга оширади ва Ўзбекис-тон Республикасида ишлаб чиқарилаётган товарларнинг Давлат реестрини юрита-ди;

манфаатдор шахсларни маҳсулотларни, синов ва ўлчов усулларини стандарт-лаштириш, метрология, сертификатлаштириш бўйича норматив ҳужжатлар билан таъминлайди, шунингдек мазкур соҳалардаги ютуқларнинг илмий-техник тарғибо-тини амалга оширади;

ўзига берилган ваколатлар доирасида халқаро, давлатлараро ва миллий норма-тив ҳужжатлар бўйича маълумотларнинг ягона ахборот базасини яратади;

стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш, аккредитация қилиш ва ўлчовлар ягоналигини таъминлаш ишларини амалга оширишнинг умумий қоидалар-ини белгилайди;

мажбурий тартибда сертификатланадиган маҳсулотлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади;

эталонларни сақлайди, қўллайди ҳамда ўлчамлар миқдорларини беради;

сертификатланган маҳсулотлар, сифат тизимлари, ўлчов воситаларининг ва ўлчовларни амалга ошириш методикасининг, аккредитация қилинган сертификат-лаштириш органларининг, синов (ўлчов) лабораторияларининг, сифат бўйича экс-перт-аудиторларнинг давлат реестрларини юритади;

г) кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ишларини ташкил этиш борасида стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасидаги илмий ва муҳандис-техник кадрларни ўқитишни амалга оширади;

д) маҳсулотлар, ишлар, хизматлар хавфсизлиги ва сифати, ўлчовлар ишончсиз натижаларининг салбий оқибатларидан муҳофаза қилиш талабларига риоя этили-ши юзасидан истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш борасида:

ўз ваколатлари доирасида маҳсулот сифати ва хавфсизлиги бўйича мажбурий талабларни белгилайди ҳамда ушбу талабларга риоя этилишини назорат қилади;

стандартларга риоя қилиш, ўлчовлар ва сертификатлаш қоидаларининг ягона-лигини таъминлаш масалалари бўйича назорат органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

норматив ҳужжатлар талабларига риоя этилишини, ўлчовларнинг ягоналиги ва ишончилиги, мажбурий сертификатлаштириш қоидалари таъминланишини ташкил этади ва бу борада давлат назоратини амалга оширади;

давлат метрология назоратини амалга оширади.

9. «Ўзстандарт» агентлиги ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита, шунингдек ўз ҳудудий бошқармалари, ўзига қарашли органлар ва муассасалар орқали амалга оширади.

III. «Ўзстандарт» агентлигининг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

10. «Ўзстандарт» агентлиги ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

стандартлаштириш, метрология, синаш ва сертификатлаштириш масалаларини ҳал этиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, ташкилотлар мутахассисларини белгиланган тартибда жалб этиш;

қонун ҳужжатлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда белгиланган тартибда киритиш, стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ҳамда маҳсулотлар сифатини бошқариш масалалари бўйича қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш ҳамда улар юзасидан хулосалар бериш;

республика давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, корхоналар ва ташкилотлардан «Ўзстандарт» агентлигига юкланган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган маълумотлар ва материалларни белгиланган тартибда олиш;

Идоралараро кенгашда давлат бошқарув органлари, хўжалик бирлашмалари, корхоналар ва ташкилотлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган хорижий шериклар билан биргаликдаги корхоналар ва ташкилотлар раҳбарларининг стандартлаштириш, метрология, маҳсулотларни синаш ва сертификатлаштириш масалалари бўйича ахборотларини тинглаш;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда стандартлаштириш бўйича тармоқ ва тармоқлараро техника қўмиталари ташкил этишда қатнашиш;

давлат назорати натижаларини таҳлил қилиш асосида маҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлилигини ошириш ҳамда сифат тизимларини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар киритиш;

стандартлаштириш, метрология, республика иқтисодиёти учун алоҳида аҳамиятга эга бўлган маҳсулотларни синаш ва сертификатлаштириш муаммоларини кўриб чиқиш бўйича вақтинчалик илмий-техника комиссиялари тузиш;

назорат қилинаётган маҳсулотлар кўрсаткичларининг белгиланган талабларга мувофиқлигини текшириш мақсадида сотиш ва сақлаш корхоналарида назорат ҳафридини ўтказиш йўли билан озик-овқат маҳсулотлари сифатининг давлат назоратини амалга ошириш;

Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштиришни ривожлантириш махсус жамғармаси маблағларидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган Махсус жамғармани шакллантириш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштиришни ривожлантириш учун фойдаланиш;

стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш қоидалари бузилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарлик чораларини қўллаш;

маҳсулотнинг рақобатбардошлилигини ва сифатини таъминламайдиган ҳамда

амалдаги қонун ҳужжатларига зид бўлган норматив ҳужжатларни бекор қилиш, уларнинг амал қилиш муддатини чеклаш ёки қайта кўриб чиқиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган қарорларни белгиланган тартибда қабул қилиш;

аккредитация қилиш ва аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномаларни белгиланган тартибда бекор қилиш ва уларнинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш;

сертификатлаштириш бўйича аккредитация қилинган органлар, юклаб жўнатишдан олдинги инспекция органлари, синов, ўлчаш, текшириш ва калибрлаш лабораториялари фаолияти устидан ўз ваколатлари доирасида инспекция назорати ўтказиш;

ноширлик фаолиятини амалга ошириш;

стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида халқаро лойиҳалар ва дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашиш;

стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш, аккредитация қилиш бўйича халқаро ва давлатлараро ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси номидан вакиллик қилиш;

«Ўзстандарт» агентлиги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11. «Ўзстандарт» агентлиги белгиланган тартибда ўз ваколати доирасида вазирликлар, давлат қўмиталари, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилишга ҳақлидир.

«Ўзстандарт» агентлиги, зарур ҳолларда, белгиланган тартибда бошқа вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан қўшма қарорлар ва бошқа ҳужжатлар чиқаришга ҳақлидир.

12. «Ўзстандарт» агентлиги ўзига юкланган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун жавоб беради.

IV. «Ўзстандарт» агентлиги фаолиятини ташкил этиш

13. «Ўзстандарт» агентлигини мақомига кўра вазирнинг биринчи ўринбосарига тенглаштириладиган Бош директор бошқаради.

Бош директор ўринбосарлари мақомига кўра вазир ўринбосарларига тенглаштирилади.

«Ўзстандарт» агентлигининг Бош директори ва унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

14. Бош директор ва Бош директор ўринбосарлари айни бир вақтда лавозимига кўра тегишли равишда Стандартлар ва ўлчовларнинг ягоналиги таъминланишини назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат бош инспектори ва давлат бош инспекторининг ўринбосарлари ҳисобланади.

15. «Ўзстандарт» агентлиги Бош директори:

«Ўзстандарт» агентлиги фаолиятига яккабошилиқ асосида умумий раҳбарлик қилади;

«Ўзстандарт» агентлиги ваколатига кирувчи масалалар бўйича қарорлар қабул қилади ва «Ўзстандарт» агентлигига юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

ўз ўринбосарларининг ваколатларини белгилайди, улар ўртасида вазифаларни тақсимлайди, «Ўзстандарт» агентлиги тизими бошқа мансабдор шахслари ваколатларини, ўз ўринбосарлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг «Ўзстандарт» агентли-

ги фаолиятининг айрим участкаларига раҳбарлик қилиш ва Агентликка қарашли органлар ва муассасаларнинг иши учун жавобгарлиги даражасини белгилайди;

«Ўзстандарт» агентлиги тизими ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар, йўриқномалар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

ходимларнинг белгиланган умуми сони доирасида «Ўзстандарт» агентлиги марказий аппарати, шунингдек Агентликка қарашли органлар ва муассасалар штатлар жадвалини ҳамда харажатлар сметасини тасдиқлайди;

«Ўзстандарт» агентлигининг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари, шунингдек «Ўзстандарт» агентлиги тизимига кирувчи бошқа идоравий мансуб органлар ва муассасалар тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

«Ўзстандарт» агентлиги марказий аппарати ходимларини, ҳудудий бошқармалар раҳбарларини, «Ўзстандарт» агентлиги тизимига кирувчи бошқа идоравий мансуб органлар ва муассасалар раҳбарларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш, аккредитация қилиш, сифат ва давлат назорати бўйича органлар билан ҳамкорлик масалалари юзасидан идоралараро тусдаги халқаро, давлатлараро шартномаларни белгиланган тартибда имзолайди;

Бош директор қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

16. «Ўзстандарт» агентлигида таркибида Бош директор, Бош директор ўринбосарлари (лавозимга кўра) ва «Ўзстандарт» агентлигининг бошқа ходимлари бўладиган 7 кишидан иборат ҳайъат тузилади.

Ҳайъатнинг шахсий таркиби Бош директор тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ҳайъат «Ўзстандарт» агентлиги фаолиятининг асосий масалаларини кўриб чиқади, «Ўзстандарт» агентлиги таркибий ва ҳудудий бўлинмалари, идоравий мансуб бошқа органлар ва муассасалар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади, «Ўзстандарт» агентлигининг муҳим буйруқлари ва бошқа ҳужжатлари лойиҳаларини муҳокама қилади.

Ҳайъат қарорлари Бош директорнинг буйруқлари билан амалга оширилади. Бош директор билан ҳайъат ўртасида келишмовчиликлар пайдо бўлган тақдирда Бош директор ўз қарорини амалга оширади. Бош директор келиб чиққан келишмовчиликлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини хабардор қилади.

17. Ҳудудий стандартлаштириш ва метрология бошқармалари ўз фаолиятини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан келишган ҳолда «Ўзстандарт» агентлиги томонидан тасдиқланган низомларга мувофиқ амалга оширади.

Ҳудудий стандартлаштириш ва метрология бошқармалари бошлиқлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан келишган ҳолда «Ўзстандарт» агентлиги бош директори томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

«Ўзстандарт» агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги ҳудудий стандартлаштириш ва метрология бошқармалари бошлиқлари лавозимга кўра айни бир вақтда тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида стандартлар ва ўлчовлар ягоналиги таъминланиши устидан назорат бўйича давлат бош инспекторлари ҳисобланадилар.

18. «Ўзстандарт» агентлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари ҳамда бўлимларининг зиммасига давлат назоратини амалга ошириш юкланган бошлиқлари, уларнинг

Ўринбосарлари, мутахассислари лавозимига кўра айни бир вақтда стандартлар ва ўлчовлар ягоналиги таъминланиши устидан назорат бўйича давлат инспекторлари ҳисобланадилар.


19. Стандартлар ва ўлчовлар ягоналиги устидан давлат назоратини амалга оширувчи мансабдор шахслар «Ўзстандарт» агентлиги томонидан белгиланган тартибда аттестациядан ўтказилиши керак.

V. «Ўзстандарт» агентлиги фаолиятини тўхтатиш

20. «Ўзстандарт» агентлигини қайта ташкил этиш ва тугатиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 5 августдаги 373-сон қарорига
4-ИЛОВА

Худудий стандартлаштириш ва метрология бошқармалари (СМБ)нинг намунавий тузилмаси



Ходимларнинг чекланган жами сони — 188 киши, шу жумладан: бошқарув ходимлари — 145 киши, хизмат кўрсатувчи ходимлар — 24 киши, техник ходимлар — 19 киши.

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 5 августдаги 373-сон қарорига
4а-ИЛОВА

**Ҳудудий стандартлаштириш ва метрология бошқармалари
(СМБ) ходимларининг чекланган сони**

		Ходимларнинг чекланган сони — ҳаммаси	шу жумладан:		
			Бошқарув ходимлари	Хизмат кўрсатувчи ходимлар	Техник ходимлар
1.	Қорақалпоғистон СМБ	11	8	2	1
2.	Андижон СМБ	10	8	1	1
3.	Бухоро СМБ	12	9	2	1
4.	Жиззах СМБ	8	6	1	1
5.	Қашқадарё СМБ	15	11	2	2
6.	Навий СМБ	8	6	1	1
7.	Наманган СМБ	10	8	1	1
8.	Самарқанд СМБ	20	15	3	2
9.	Сурхондарё СМБ	9	7	1	1
10.	Сирдарё СМБ	9	7	1	1
11.	Фарғона СМБ	20	16	2	2
12.	Хоразм СМБ	9	7	1	1
13.	Тошкент вилояти СМБ	20	16	2	2
14.	Тошкент шаҳар СМБ	27	21	4	2
	Ҳаммаси	188	145	24	19

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 5 августдаги 373-сон қарорига
5-ИЛОВА


**Ўзбекистон Республикаси миллий эталонлар марказининг
тузилмаси**



Ходимларнинг чекланган жами сони — 8 киши, шу
жумладан: бошқарув ходимлари — 6 киши, хизмат
кўрсатувчи ходимлар — 1 киши, техник ходимлар — 1 киши.

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 5 августдаги 373-сон қарорига
6-ИЛОВА

**Стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш
илмий-тадқиқот институтининг тузилмаси**



Ходимларнинг чекланган жами сони — 23 киши, шу жумладан: бошқарув ходимлари — 18 киши, хизмат кўрсатувчи ходимлар — 3 киши, техник ходимлар — 2 киши.

* Молиялаштириш хўжалик фаолиятдан олинadиган ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 5 августдаги 373-сон қарорига
7-ИЛОВА

**Давлат активлари профессионал бошқарувчи компанияларга
берилгунгача «Ўзстандарт» агентлигига ишончли бошқарувга
бериладиган корхоналар рўйхати**

Т/р	Корхоналар номи	Давлат улуши, %
1.	Андижон «Эталон» заводи АЖ	25
2.	Бухоро «Эталон» заводи АЖ	25
3.	Қўқон «Эталон» заводи АЖ	25
4.	Наманган «Эталон» заводи АЖ	25
5.	Нукус «Эталон» заводи АЖ	25
6.	Самарқанд «Эталон» заводи АЖ	25
7.	Урганч «Эталон» заводи АЖ	25
8.	Фарғона «Эталон» заводи АЖ	25

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 5 августдаги 373-сон қарорига
8-ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасининг «Стандартлаштириш, метрология ва маҳсулотлар ҳамда хизматларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 3 октябрдаги 342-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар

1. 2, 4—7, 11-бандлар ва 1—4 иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
2. 13-бандда:
 - олтинчи хатбошидаги «даромадларидан» сўзи «ялпи фойдасидан» сўзлари билан алмаштирилсин;
 - еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Белгилаб қўйилсинки, махсус жамғарма маблағлари:
илмий-техника ишланмаларини молиялаштиришга;
қонун ҳужжатларини ва норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишга;
Давлат реестрларини юритишга;
стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасининг моддий-техника базасини ривожлантиришга;
миллий эталон базани, «Ўзстандарт» агентлиги тизимидаги синов ва ўлчов лабораторияларини ривожлантиришга;
ўзаро ҳамкорлик тадбирларига ҳамда стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва аккредитация қилиш соҳасидаги халқаро ва минтақавий ташкилотларга бадаллар тўлашга;
стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш ва аккредитация қилиш соҳасида мутахассислар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлашга;
бинолар, иншоотлар ва муҳандислик тармоқларини мукамал таъмирлаш ва сақлашга, асбоб-ускуналар сотиб олишга;
стандартларни ҳамда норматив ҳужжатларнинг мажбурий талабларига риоя қилиниши ўлчовларининг ягоналиги таъминланишини давлат томонидан назорат қилишга;
маҳсулотларнинг солиштириш синовларини ташкил этиш ва ўтказишга йўналтирилади».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

358 «Ўздонмаҳсулот» давлат-акциядорлик корпорацияси- ни «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компаниясига ай- лантириш тўғрисида

[Кўчирма]

Донни харид қилиш, сақлаш ва қайта ишлаш соҳасида бошқарувни тубдан такомиллаштириш, ортиқча оралик тузилмаларни тугатиш, тармоқда бозор муносабатларини янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш, хусусийлаштириш ва инвестицияларни жалб этиш жараёнларини фаоллаштириш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 22 декабрдаги ПФ–3366-сон Фармони та-лабларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Ўздонмаҳсулот» давлат-акциядорлик корпорацияси очиқ акциядорлик жамияти шаклидаги «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компаниясига айлантирилсин.

«Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси таркибига кирадиган 44 корхона, шу жумладан ҳаммаси бўлиб 34 филиалга эга бўлган 25 корхона рўйхати, шунингдек компаниянинг ташкилий тузилмаси 1 ва 2-иловаларга мувофиқ маъқуллансин.

2. Қуйидагилар «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компаниясининг асосий вазифа-лари ва фаолияти йўналишлари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларига мувофиқ давлат эҳтиёж-лари учун дон ва уруғлик харид қилиш, жойлаштириш ва сақлашни таъминлаш;

юқори сифатли ун навлари, ёрма, омихта ем, шунингдек нон-булка, макарон ва қандалотчилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ҳамда иқтисодиёт тармоқлари ва республика аҳолисини улар билан таъминлашни ташкил этиш;

дон маҳсулотлари тармоғи корхоналарининг дон етиштирувчилар — ширкат ва фермер хўжаликлари билан ўзаро муносабатлари механизмларини, шу жумла-дан донни қабул қилиш, сифатини баҳолаш ва ҳисобга олиш масалаларини тако-миллаштириш, дон сифатини таъсирчан назорат қилиш ва уни холисона баҳолаш тизимини яратиш;

дон маҳсулотлари тармоғи корхоналарини замонавийлаштириш ва техника билан қайта жиҳозлашга, ушбу мақсадлар учун хорижий инвестицияларни кенг жалб қилишга кўмаклашиш;

дон маҳсулотлари тармоғи корхоналари ва ташкилотларига ахборот хизматла-ри кўрсатиш, уларнинг кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оши-ришни ташкил этиш.

3. Қуйидагилар:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар дон маҳсулотлари етиштирувчи-лар акциядорлик уюшмаларининг уларни тугатиш тўғрисидаги қарори;

«Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси таркибига кирадиган хўжалик жа-миятлари умумий йиғилишларининг 34 корхонани 1-иловага мувофиқ филиалларга айлантириш тўғрисидаги қарори маълумот учун қабул қилинсин.

4. «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компаниясининг ижро этувчи аппарати ту-зилмасида 9 штат бирлигидан иборат Назорат-тафтиш бошқармаси ташкил этилсин ва унга:

дон маҳсулотлари корхоналари томонидан харид қилинадиган, сақланадиган ва

қайта ишланадиган давлат дон ресурслари миқдори ва сифатига доир маълумотларнинг ишончлилигини;

тайёр маҳсулот чиқишининг белгиланган нормативларига риоя қилинишини;

дон экинлари уруғлари тайёрланишини ва дон етиштирувчи хўжаликларнинг улар билан таъминланишини;

тайёрланадиган ва қайта ишланадиган дон учун ўзаро ҳисоб-китобларнинг белгиланган тартибига риоя қилинишини назорат ва тафтиш қилиш функциялари юклансин.

5. «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компаниясининг ходимларнинг чекланган умумий сони 97 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари 75 нафар бўлган ижро этувчи аппарати тузилмаси 3-иловага мувофиқ маъқуллансин.

«Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси бошқаруви раисига, зарурат бўлганда, компаниянинг ижро этувчи аппарати тузилмасига ходимларнинг штатда белгиланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

6. Белгилансинки:

«Ўздонмаҳсулот» компанияси таркибига кирадиган 44 дон маҳсулотлари корхоналари ва уларнинг 1-иловага мувофиқ филиаллари Ўзбекистонда етиштириладиган буғдойни тайёрлаш, сақлаш ва қайта ишлашни таъминловчи бошланғич бўғин ҳисобланади;

фақат «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси таркибига кирадиган дон маҳсулотлари корхоналари қишлоқ хўжалиги корхоналари билан буғдой ва уруғлик харид қилиш юзасидан контрактация шартномалари тузиш, шунингдек давлат захирасидаги озиқ-овқат буғдойини сақлаш ҳуқуқига эгадирлар;

кўрсатиб ўтилган 44 дон маҳсулотлари корхоналаридаги давлатга тегишли акциялар (пайлар) улуши 25-26 фоизни ташкил қилади, улар «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компаниясининг устав фондига берилади.

Шу билан бирга, қайта ташкил этилаётган «Ўздонмаҳсулот» давлат-акциядорлик корпорацияси балансида бўлган мол-мулк ҳам «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси устав фондига берилади.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси билан биргаликда бир ой муддатда:

«Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компаниясининг устав фонди белгиланган тартибда шакллантирилишини таъминласин;

1-иловада кўрсатилган хўжалик жамиятларига уларни қайта ташкил этишни амалга оширишда кўмаклашсин.

Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси ҳамда қайта ташкил этиладиган 1-иловага мувофиқ акциядорлик жамиятларининг акциялари чиқарилишини эмиссия проспектини рўйхатдан ўтказиш учун йиғим ундирмасдан давлат рўйхатидан ўтказсин.

9. «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси икки ой муддатда компания уставини тасдиқласин ва уни давлат рўйхатидан ўтказиш учун белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этсин.

10. Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев аттестация комиссияси тузсин ва икки ой муддатда «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси таркибига кирадиган корхоналар ва уларнинг филиаллари раҳбарларини аттестациядан ўтказсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 5-иловага мувофиқ айрим қарор-

ларига ўзгартиришлар киритилсин, шунингдек баъзилари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда вазирликлар ва идораларнинг норматив ҳужжатлари мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 6 август,
376-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 6 августдаги 376-сон қарорига
1-ИЛОВА

**«Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компаниясининг таркибига
кирувчи дон маҳсулотлари корхоналари ва уларнинг
филиаллари рўйхати**


Т/р	«Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси таркибига кирувчи дон маҳсулотлари корхоналари	Дон маҳсулотлари корхоналарининг филиаллари
Қорақалпоғистон Республикаси		
1.	«Қорақалпоқдонмаҳсулотлари» АЖ	«Нокис-ун заводи» АЖ «Бўстон дон маҳсулот» АЖ
2.	«Чимбой дон маҳсулотлари» АЖ	«Қараозек дан» МЧЖ «Тахтақўпир дан» АЖ
3.	«Тахиятош дон маҳсулотлари» АЖ	«Қарабайли гуриш» АЖ «Хожейли гуриш» АЖ «Мангит дон маҳсулот» АЖ
4.	«Конирад ун заводи» АЖ	«Қанликўл гуриш заводи» АЖ
5.	«Тўртқўл дон маҳсулоти» МЧЖ	«Беруний дон» МЧЖ
Андижон вилояти		
6.	«Андижондонмаҳсулотлари» АЖ	
7.	«Асака дон маҳсулотлари» АЖ	
8.	«Қўрғонтепа дон маҳсулотлари» АЖ	
Бухоро вилояти		
9.	«Бухородонмаҳсулотлари» АЖ	
10.	«Қорақўлдонмаҳсулотлари» АЖ	
11.	«Когондонмаҳсулотлари» АЖ	
Жиззах вилояти		
12.	«Жиззахдонмаҳсулотлари» АЖ	«Бахмал ДКК» АЖ
13.	«Зарбдор элеватори» АЖ	
14.	«Дўстлик дон маҳсулотлари» АЖ	

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.


T/p	«Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси таркибига кирувчи дон маҳсулотлари корхоналари	Дон маҳсулотлари корхоналарининг филиаллари
Қашқадарё вилояти		
15.	«Қашқадарёдонмаҳсулотлари» АЖ	«Фузор ДМККК» МЧЖ «Айритом ДМКК» АЖ
16.	«Косон ДМКК» МЧЖ	«Муборак дон» МЧЖ
17.	«Дон халқ ризқи» АЖ	«Китоб дон» МЧЖ
18.	«Дунё М» АЖ	«Шаҳрисабз дон» МЧЖ «Баҳористон дон» МЧЖ
19.	«Қамаши ДКК» АЖ	
Навоий вилояти		
20.	«Навоийдонмаҳсулотлари» АЖ	«Навоий ДМККК» МЧЖ
21.	«Қизилтепа ун заводи» АЖ	
Наманган вилояти		
22.	«Намангандонмаҳсулотлари» АЖ	«Чортоқ дон маҳсулотлари» АЖ
23.	«Учқўрғон дон маҳсулотлари» АЖ	«Ҳаққулобод ДМККК» АЖ
24.	«Попдонмаҳсулотлари» АЖ	«Чуст ДМКК» АЖ
Самарқанд вилояти		
25.	«Самарқанддонмаҳсулотлари» АЖ	«Нуробод дон» АЖ «Осиё-Афросиёб» АЖ
26.	«Оқтош дон» АЖ	«Каттақўрғон дон» АЖ
27.	«Жума элеватори» АЖ	
28.	«Жомбой дон маҳсулотлари» АЖ	
Сурхондарё вилояти		
29.	«Сурхондарёдонмаҳсулотлари» АЖ	
30.	«Сариосиё дон» МЧЖ	«Табаррук» МЧЖ
31.	«Шўрчи дон маҳсулотлари» АЖ	
Сирдарё вилояти		
32.	«Ховос дон маҳсулотлари» АЖ	
33.	«Оқолтин дон маҳсулотлари» АЖ	«Гулистон дон» МЧЖ «Шухрат» АЖ
Тошкент вилояти		
34.	«Тошкентдонмаҳсулотлари» АЖ	«Тошкент гуруч» АЖ «Чиноз дон» АЖ
35.	«Оҳангарон дон» АЖ	«Бекобод ун» АЖ
36.	«Фалла-Алтег» АЖ	«Тошкент шаҳар ДККК» АЖ
Фарғона вилояти		
37.	«Фарғонадонмаҳсулотлари» АЖ	«Марғилон дон» АЖ
38.	«Бағдод дон маҳсулотлари» АЖ	«Олтиариқ ДМККК» МЧЖ
39.	«Қува дон маҳсулотлари» АЖ	«Қува ун» АЖ
40.	«Қўқон дон маҳсулотлари» АЖ	«Қўқон ДМКК» АЖ
Хоразм вилояти		
41.	«Хоразмдонмаҳсулотлари» АЖ	
42.	«Шовот дон маҳсулотлари» АЖ	
43.	«Боғот дон» АЖ	
44.	«Хонка дон маҳсулотлари» АЖ	

* Филиалларга айлантирилаётган хўжалик жамиятларининг акциялари (улушлари) уларнинг мол-мулки устав жамғармаларига берилаётган хўжалик жамиятларининг акцияларига (улушларига) конвертация қилинади.

«Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компаниясининг ташкилий тузилмаси



**«Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси ижро этувчи
аппаратининг тузилмаси**



Ходимларнинг чекланган умумий сони — 97 киши, шу жумладан бошқарув ходимлари — 75 киши.

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 6 августдаги 376-сон қарорига
5-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўзгартиришлар
киритилаётган ва ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати**

I. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари:

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўздонмахсулот» давлат-акционерлик корпорациясини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида» 1994 йил 20 июндаги 311-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида дон маҳсулотларини сотишни тартибга солишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» 1994 йил 2 ноябрдаги 532-сон қарори.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Дон тайёрлаш ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш тизимида харажатларни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 4 декабрдаги 424-сон қарори.

4. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 майдаги 226-36-сон қарорига 1-илова.

II. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат ва хўжалик бошқаруви республика органлари бошқарув ходимлар сонини мақбуллаштириш ва қисқартириш тўғрисида» 2004 йил 5 январдаги 1-сон қарорига 3-илованинг IV. «Агросаноат комплекси» бўлимида 6-устунда 41-банддаги «2704» рақами «2811» рақами билан, «66» рақами «75» рақами билан алмаштирилсин.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

359 Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларнинг даромадидан қатъий белгиланган ҳажмларда олинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 4 августда 1230-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2004 йил 14 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2003 йил 26 февралдаги 37-сон ва 2003-33-сон қарори билан тасдиқланган Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларнинг даромадидан қатъий белгиланган ҳажмларда олинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг (2003 йил 3 апрель, рўйхат рақами 1230 — Меъёрий ҳужжатларининг ахборотномаси, 2003 й., 7-8-сон, Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 4-сон, 50-модда) 3-банди қуйидаги тахирда баён этилсин:

«3. Қатъий белгиланган ҳажмларда олинадиган солиқни тўловчилар мазкур тоифадаги жисмоний шахслар учун белгиланган бошқа солиқлар, йиғимлар ва тўловларни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ тўлайдилар.»

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Молия вазири С. РАХИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 22 июль,
96-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2004 йил 22 июль,
2004-51-сон

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

360 Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 4 августда 1281-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2004 йил 14 августдан кучга киради)

«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 15 августдаги 355-сонли «Ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишда валюта операцияларини эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси ва Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. «Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисида»ги низомнинг (2003 йил 7 май, рўйхат рақами 1281 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси 2003 й, 19-20-сон) 5-бандига, уни қуйидаги таҳрирда баён қилган ҳолда, ўзгартириш киритилсин.

«5. Давлат солиқ хизмати органлари божхона органлари ва ваколатли банклардан олинган маълумотларни таҳлил қилиб, валюта операциялари (экспорт-импорт операциялари, пул маблағларини ўтказиш ва бошқалар)ни амалга оширишнинг белгиланган тартибини бузиш аломатлари аниқланганда, мазкур контрактни тузган хўжалик юритувчи субъект фаолияти текширувини ўтказиш тўғрисидаги масаласини ўрнатилган тартибда кўриб чиқиш учун Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши ёки унинг ҳудудий комиссияларига ариза берадилар.»

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

Давлат солиқ қўмитаси раиси Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2004 йил 22 июль,
2004-52-сон

Давлат божхона қўмитаси раиси Б. МАТЛЮБОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 22 июль,
01-02/19-30-сон

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 22 июль,
240-В-1-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ХУЗУРИДАГИ
ҚИММАТЛИ ҚОЎОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА
НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

361 Корпоратив қимматли қоғозлар билан репо битишувларни амалга ошириш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 6 августда 1396-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2004 йил 16 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази тўғрисидаги низомга асосан **буюраман:**

1. Корпоратив қимматли қоғозлар билан репо битишувларни амалга ошириш тўғрисидаги низом иловага* мувофиқ тасдиқлансин.
2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхати-га олинган кундан ўн кун ўтгач амалга киритилсин.

Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директори М. ЮНУСМАТОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 15 июль,
2004-16-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилади.

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

362 Ўзбекистон Республикасининг берилган радиочастоталарини халқаро-ҳуқуқий ҳимоя қилиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 6 августда 1397-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2004 йил 16 августдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Радиочастоталар спектри тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги «Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ–3358-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 майдаги «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 215-сон қарорига мувофиқ, **буюраман:**

1. «Ўзбекистон Республикасининг берилган радиочастоталарини халқаро-ҳуқуқий ҳимоя қилиш тўғрисидаги низом» иловага* мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида давлат рўйхатидан ўтганидан ўн кун кейин кучга кирган деб ҳисоблансин.
3. Ушбу буйруқ кучга кирган кундан бошлаб амалда бўлган ЎзАПТнинг 1999 йил 22 март 123-сон буйруғи билан тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида (1999 йил 3 март, рўйхат рақами 659) рўйхатдан ўтган «Ўзбекистон Республикасининг берилган радиочастоталарини халқаро-ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисидаги низом» ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
4. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш Бош директор ўринбосари А.Д. Хаджаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг
Бош директори А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2004 йил 19 июль,
208-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилди.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2004 йил 31 июлдан 6 августгача бўлган маълумот

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларнинг даромадидан қатъий белгиланган ҳажмларда олинadиган солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 22 июлдаги 96, 2004-51-сонли қарори.*

2004 йил 4 августда 1230-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 14 августдан кучга киради).

2. «Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомга қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 22 июлдаги 2004-52, 01-02/19-30, 240-В-сонли қарори.*

2004 йил 4 августда 1281-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 14 августдан кучга киради).

3. «Корпоратив қимматли қоғозлар билан репо битишувларини амалга ошириш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2004 йил 15 июлдаги 2004-16-сонли буйруғи.*

2004 йил 6 августда 1396-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 16 августдан кучга киради).

4. «Ўзбекистон Республикаси радиочастоталарини бириктиришни халқаро-ҳуқуқий ҳимоя этиш тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2004 йил 19 июлдаги 208-сонли буйруғи.*

2004 йил 6 августда 1397-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 16 августдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. *Ўзбекистон Республикаси радиочастоталарини бириктиришни халқаро-ҳуқуқий муҳофаза этиш тўғрисида низом. Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги томонидан тадиқланган (1999 йил 3 март, рўйхат рақами 659).*

Адлия вазирининг 2004 йил 6 августдаги 179-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжат янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

